O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATA
INV.№

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN – BARCHAMIZNIKI!

• 2010-yil • 20-aprel • Seshanba • 46 (31.166) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

БАНК ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ҲИСОБ-КИТОБ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Пул муомаласи тизимини такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантиришни рағбатлантириш ва банкдан ташқари нақд пул айланмасини қисқартириш, аҳолининг банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга ошириши учун қулай шарт-шароит яратиш ҳамда илғор банк технологияларини жорий этиш асосида хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида:

1. Республикада пластик карточкаларни ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ҳимоя қилишнинг самарали механизми яратилгани маълумот учун қабул қилинсин. Ушбу механизмга биноан:

ҳар бир пластик карточка эгаси карточка ҳисобрақамидаги пул маблағларини тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи шахсий идентификация рақами (ПИН-код)га эга бўлиб, у нотўғри терилган тақдирда пластик карточка автоматик тарзда блокировка қилинади;

бегона шахсларнинг сохталаштириши ва рухсатсиз фойдаланишига йўл қўймайдиган микрочипли модуллар ва маълумотларни шифрлайдиган тўрт поғонали тизимга эга пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш борасида ягона «Ўзкарт» тўлов тизими фаолият кўрсатмоқда;

пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда мижозлар ҳисобрақамидан маблағ ечиш ва унга пул ўтказиш Умумреспублика ягона процессинг маркази орқали амалга оширилади, бу мижозлар ҳамда сотувчиларни турли қаллоблик ва алдовлардан ҳимоя қилишни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари пластик карточкалар, ҳисоб-китоб терминаллари, банкоматлар ва бошқа махсус жиҳозларни юқори даражада ҳимоя қилиш бўйича белгиланган талабларга риоя этилиши устидан қатъий тизимли назоратни таъминласин, пластик карточкалардан фойдаланиш орқали нақд пулсиз тўловларни амалга оширишда сохталаштириш ҳамда фирибгарликларни истисно этадиган қўшимча чора-тадбирларни кўрсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклар ассоциацияси ва тижорат банклари томонидан ишлаб чиқилган 2010-2011 йилларга мўлжалланган банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича махсус жиҳозлар тармоғини қўшимча кенгайтиришга доир прогноз кўрсаткичлар 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон банклар ассоциацияси ва тижорат банкларининг аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширадиган ва банк пластик карточкаларидан тўловлар қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланиши шарт бўлган чакана савдо ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари рўйхатини кенгайтириш тўғрисидаги таклифига (2-илова) розилик берилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари манфаатдор давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари, тижорат банклари билан ҳамкорликда 2011 йилнинг 1 январига қадар мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ рўйхатга киритилган чакана савдо ва аҳолига хизмат кўрсатиш объектларини банк пластик карточкаларидан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозлаш чораларини кўрсин.

(Давоми 2-бетда.)

Фракция фаолияти

ЎзХДП депутатларининг позицияси белгилаб олинди

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирликлар ва идоралар, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Мажлисда дастлаб парламент қуйи палатаси муҳокамасига киритилаётган Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2009 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди. Мазкур масала юзасидан Ҳисоб палатаси бош инспектори Олимхон Рустамов маъруза қилди.

— Ҳисоб палатаси томонидан «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонун ижросини таъминлаш мақсадида Давлат бюджети 2008 йилги ижроси тўғрисидаги ҳисобот ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказилди, — деди у. — Давлат бюджети 2010 йилги лойиҳасининг экспертизаси амалга оширилди. Бюджет ижроси ва давлат маблағларининг сарфланиши устидан назорат ташкил қилинди. Маблағларнинг қонуний, мақсадли ва самарали сарфланиши бюджетдан молиялаштирилувчи муассасалар мисолида текширилди. Ҳудудлар ва тармоқлар бўйича Давлат бюджети даромад қисмининг тўғри шаклланиши, ижросининг моддама-модда ва тўлиқ бажарилиши таҳлил этилди. Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини пасайтириш вазифаларининг бажарилиши, давлат томонидан тижорат банкларига ажратилаётган маблағларнинг самарали ва мақсадли сарфланиши текширилди. Умуман олганда, мазкур орган ваколати доирасида 14 йўналишда 47 та назорат тадбири амалга оширилди.

Депутатлар ушбу назорат тадбирлари натижалари билан батафсил танишиб чиқдилар. Бандлик давлат жамғармаси ҳисобидан тижорат банкларида кредит йўналишлари очиш, мазкур йўл билан иш ўринларини сақлаб қолиш ва янги иш жойлари ташкил этиш билан боғлиқ масалалар юзасидан таклифларини билдирдилар. Ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

2-бет

Табиий офат қамалида



3

Сингапур олимпиадаси

4

«Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича чораларнинг ўз вақтида қабул қилинганлиги жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига мустаҳкам тўсиқ бўлди. Мамлакатингиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган оқилона сиёсат туфайли глобал иқтисодий инқироз Ўзбекистонга деярли таъсир кўрсата олмади. Юртингиз инқироз оқибатларини бартараф этишда нафақат МДҲ, балки бошқа кўплаб давлатлар орасида энг яхши натижага — ялпи ички маҳсулотни салмоқли ва барқарор оширишга эришди.»

Дэвид ОУЭН,
Халқаро валюта жамғармаси Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти директорининг ўринбосари

Президент Москвага жўнаб кетди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевнинг таклифига биноан 19 апрель куни расмий ташриф билан Москвага жўнаб кетди.

Ислом Каримов ва Дмитрий Медведев Ўзбекистон — Россия муносабатларини янада ривожлантириш масалалари, шунингдек, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашадилар.

Музокаралар якунида икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

(ЎзА)

Ислом Каримов Москвага келди

Москва, 19 апрель. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевнинг таклифига биноан 19 апрель куни расмий ташриф билан Москвага келди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 20 апрелга мўлжалланган. Ислом Каримов ва Дмитрий Медведев Ўзбекистон — Россия муносабатларини янада ривожлантириш масалалари, шунингдек, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашадилар. Икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланади.

(ЎзА)

ЎзХДП: электорат манфаати

Эҳтиёжи йўқ одамларга қилинган «мурувват»

ёки кам таъминланган оилалар учун ажратилган давлат маблағларининг ноқонуний ишлатилгани ҳусусида

Давлатимиз кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларни ўтиш даври шароитида ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларга моддий-маънавий кўмак бериш, вояга етмаган болалари бўлган оилаларга, ишламайдиган оналарга нафақалар тайинлаш йўли билан уларни ижтимоий ҳимоя қилмоқда.

3-бет

4-бет

Кўнгил кўнгилдан сув ичар...

Бу ерда ҳар бир нарсада кексаликнинг эҳтиёж ва хусусиятлари эътиборга олинган сезилиб турибди. Ҳамма нарса — зинаю лифтлар, жиҳозлар ҳаракатда анча қийналиши табиий бўлган қарияларга мосланган. Йўлакларда ҳар қадамда юмшоқ диван ва оромкурсилар, ҳовлида соя-салқин жойларда пастаккина ўриндиқлар. Ҳар бурчакда уй шароити, шинамлик сезилиб турибди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 20 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	1436,64
1 Англия фунт стерлинги	2384,44
1 Дания кронаси	282,94
1 БАА дирҳами	425,62
1 АҚШ доллари	1563,26
1 Миср фунти	283,46
1 Исландия кронаси	12,33
1 Канада доллари	1538,34
1 Хитой юани	229,03
1 Малайзия рингити	486,32
1 Польша злотийси	541,80
1 СДР	2383,05
1 Туркия лираси	1050,79
1 Швейцария франки	1468,95
1 Евро	2104,77
10 Жанубий Корея вони	14,00
10 Япония иенаси	169,86
1 Россия рубли	53,85
1 Украина гривнаси	197,24

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

20 апрель об-ҳавоси



Юртимизда		Дунё бўйлаб	
Тошкент	29°C	Лондон	14°C
Самарқанд	28°C	Париж	18°C
Нукус	27°C	Москва	12°C
Қарши	31°C	Мадрид	21°C
Урганч	27°C	Пекин	17°C
Навоий	28°C	Гонконг	29°C
Фарғона	27°C	Рим	18°C
Бухоро	28°C	Анқара	22°C
Андижон	27°C	Токио	16°C
Наманган	27°C	Стокгольм	10°C
Термиз	32°C	Кейптаун	20°C
Жиззах	28°C	Қоҳира	35°C
Сирдарё	29°C	Гавана	31°C
Тошкент вил.	29°C	Вашингтон	20°C
		Нью Йорк	18°C



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БАНК ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ҲИСОБ-КИТОБ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Белгилаб қўйилсинки, юқоридаги рўйхатга киритилган хўжалик субъектларининг тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва улардан фойдаланишга оид талабларга риоя қилмаслиги назорат-касса машиналари билан жиҳозлаш ва улардан фойдаланиш тартибини, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузишга тенглаштирилади ҳамда уларга қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарлик юкланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширадиган ва ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланиши шарт бўлган чакана савдо ҳамда хизмат кўрсатиш объектларининг қонунчиликка биноан банк пластик карточкаларидан тўловлар қабул қилиш талабларига сўзсиз риоя қилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширадиган ва ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланиши шарт бўлган объектлар фаолияти устидан мунтазам мониторинг ўтказсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

Ўзбекистон банклар ассоциацияси билан биргаликда тижорат банкларининг сўмли банк пластик карточкалари орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўлов тизимида мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича тасдиқланган ягона тарифларга риоя қилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатсин;

тижорат банкларининг ягона тарифларга риоя қилмаслиги бўйича аниқланган ҳолатлар юзасидан уларни зудлик билан бартараф этиш чораларини кўрсин, шунингдек, тарифлар ошишига йўл қўйган тижорат банкларига нисбатан қонунчиликда кўзда тутилган санкцияларни қўлласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августда қабул қилинган «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 433-қарорининг 1-банд иккинчи абзаци, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрда қабул қилинган «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 445-қарорининг 7-банди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июлда қабул қилинган «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 670-қарорининг 7-бандида кўзда тутилган солиқ ва божхона имтиёзларига амал қилиш муддати 2012 йилнинг 1 январигача узайтирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликка мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар киритсин;

идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

10. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М.Муллажонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 19 апрель

Фаоллар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган йиғилишида Президентимиз қўйган вазифалар ҳамда партиянинг сайловолди дастурий мақсадларини амалга оширишга қаратилган ҳаракат дастурлари лойиҳасини муҳокама қилишди.

Бухоро вилоят партия кенгаши пленумида ЎзХДП вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Саида Жўраева маъруза қилди. У асосий эътиборни партия ташкилоти олдида турган долзарб вазифаларга қаратди. Ўтган даврда йўл қўйилган хато-камчиликлардан тегишли хулосалар чиқариб, электорат манфаатини янада самарали ҳимоя этишга хизмат қиладиган амалий ишлар билан шуғулланиш зарурлигини таъкидлади. Туман кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини сезиларли даражада кучайтирмай кўзланган мақсадга эришиш қийин, деди у. Мамлакатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталари қўшма йиғилишида билдирган фикрларидан келиб чиқиб, қатор туман кенгашлари, депутатлик гуруҳлари ўз фаолиятига танқидий ёндашиб, амалий ишларга киришди.

Бироқ Ромитан, Пешку, Жондор туман партия ташкилотлари фаолиятида етарли ўзгариш сезилмаяпти. Шунингдек, Ғиждувон, Ромитан, Бухоро туман партия кенгашлари жамоатчилик қабулхоналари иши талаб даражасида эмас. Шу йилнинг биринчи чорагида бу туманлар жамоатчилик қабулхоналарига атиги 8-10 тадан мурожаат тушганини қандай баҳолаш мумкин?

Бандлик дастури ижросини назорат қилиш, унинг бажарилиши юзасидан тегишли ташкилотлар раҳбарларининг чорак якунлари бўйича ҳисоботларини эшитиш, муҳокама этиш масалалари эътибордан четда қолмоқда. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, кенгашлардаги ахборот-ресурс марказлари етарлича жиҳозланмаган. Бундай ҳолат электорат орасида партия дастурий ғояларини тарғиб этишга муайян таъсирини кўрсатмай қолмайди, албатта...

Музокараларда қатнашганларнинг айримлари умумий гаплардан нарига ўтмагани ҳам кишини ўйга толдиради. Хўш, бундан кимга нима наф? Хатоларни тан олиш, улардан тўғри хулоса чиқариш зарур эмасми?

✧✧✧

ЎзХДП Фарғона вилоят ташкилоти қирқ мингга яқин партиядошларни бирлаштирган. Улар сафида Ўзбекистон қаҳрамонлари, эл-юрт ардоғидаги фидойи, ватанпарвар инсонлар, тажрибали партия ташкилотчи ва етакчилари бор. Айнан уларнинг саъй-ҳаракати билан долзарб масалалар ўртага ташланмоқда, унинг ечими ҳақида таклифлар билдирилаяпти ва тегишли қарорлар қабул қилишда қатъийлик кўрсатилаяпти. Аммо вилоят партия кенгаши раиси Муҳаммадали Исоқовнинг маърузасидан кўриндики, вилоят ташкилоти аҳоли ўртасида ўзига муносиб ишончни қозониши учун астойдил ишлаши лозим. Бу ҳақда пленум иштирокчилари чиқишларида очиқ-ошкора гапирилди.

Азимжон ИСЛОМОВ, ***халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:***

Олдимизда масъулиятли вазифалар турибди. Энди эскича ишлаб бўлмайди. Вилоят партия ташкилоти ҳамда депутатлик гуруҳи куч ва имкониятларни бирлаштириб ҳаракат қилса, кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Яқинда Бувайда туманида партия ғоялари, электорат манфаатларидан келиб чиқиб форум ўтказилди. Унинг иштирокчилари депутатлик гуруҳи аъзолари билан учрашиб, муаммо ва масалалар қўйдилар, иқтисодий-ижтимоий тармоқ мутасаддилари билан савол-жавоблар ўтказилди, форум доирасидаги маданий тадбирларда эса минглаб бувайдаликлар қатнашди. Натижа нима бўлди? Бундай фаолликни кўрган, партия ғоялари ўзига яқинлигини ҳис қилган кечаги хайрихоҳлар партия сафига қўшилдилар.

Ҳабибахон ТОШМАТОВА, ***ЎзХДП Бувайда туман кенгаши раиси:***

Жамоатчилик қабулхонасига бўлган мурожаатларни таҳлил қилиб, зарур пайтда дастурга қўшимчалар киритиб бориш керак. Бугун аниқ вазифаларни белгилаб олаяпмиз. Энди уларни масъулият билан бажаришга киришмасак, сўзимизнинг устидан чиқа олмаймиз...

Фурқатжон ҲОМИДОВ, ***халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати:***

— Бундан буён қандай йўл тутишимиз, минтақа ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир амалий вазифаларни ҳал этишда иштирокимиз нечоғли кўриниш олиши керак, булар ҳақида аввало, ҳар биримиз чуқур ўйлаб, ўзимизга тегишли хулосалар чиқариб олишимиз керак.

Бугун сиёсий кучлар фаолияти анча жонланди. Шундай пайтда қабул қилинган ҳар бир қарор, ташаббус ёки аксинча фаолиятсизлик партиянинг ички ишигина бўлиб қолмай, бошқа сиёсий партиялар диққат эътиборида турганини ҳам унутмаслик лозим.

Нодирбек ЭҲСОНОВ, ***ЎзХДП Ёзёвон туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси:***

— Ёш сиёсатчиларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш лозим, деб ҳисоблайман. Партиямиз «Ёш сиёсатчи» танловини ўтказиб келмоқда. Аммо, мен вилоятимиз мисолида айтмоқчиман, бирон бир ғолиб маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзод сифатида тавсия этилмади. Ҳолбуки, келгусида салоҳиятли сиёсатчи ёки партия етакчиларини тайёрлаш учун уларни бугундан ана шундай «катта қозонда қайнатиш» зарур эди.

✧✧✧

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят кенгаши пленумида вилоят партия кенгаши раиси Маҳаммаджон Йўлдошев фаоллар олдидаги асосий вазифалар юзасидан маъруза қилди. Кун тартибидаги масаланинг муҳим жиҳатларига эътибор қаратди. Музокараларда сўзга чиққанлар бу борада ўз фикрларини билдирди.

— Партия ташкилотлари ва депутатлар зиммасида катта вазифа, улкан масъулият турибди. Сайловчиларимизнинг бизга билдирган ишончини оқлаш учун электорат манфаати билан боғлиқ масалаларда ташаббускор ва қатъий позицияда бўлишимиз керак, — деди «Андижоннома» ва «Андижанская правда» газеталари бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Абдумутал Абдуллаев. — Партиялар ўртасидаги баҳс-мунозарада ҳаётий тажриба, билим ва салоҳият керак бўлади. Дастурий мақсадларимизни амалга ошириш йўлида рақибларимиз билан баҳслар асосан вилоят Кенгашида кўрилаётган масалалар, қабул қилинаётган қарорлар юзасидан бўлиши керак.

— Партия фаолиятида тарғибот-ташвиқот алоҳида ўрин тутади, — деди «Маҳалла» хайрия жамғармаси Андижон вилоят бўлими раҳбари Икромиддин Валиев. — Бу борадаги ишлар таъсирчанлигини ошириш янги, замонавий усуллардан кенг фойдаланишни талаб этади.

— Халқ депутатлари Жалақудуқ туман Кенгашининг иккинчи сессиясида тумандаги ташкилот ва муассасалар томонидан 2010 йилда янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш ҳудудий дастури қабул қилинди, — деди Жалақудуқ туманидаги агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежи директори, вилоят Кенгаши депутати Маликахон Юсупова. — Янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш масаласида дастурда белгиланган вазифаларни бажариш бизнинг назоратимизда бўлиши керак. Чунки электоратимиз манфаатини қонуний йўллар билан ҳимоя қилиш асосий мақсадимиздир. 2010 йилда туманимизда 4 мингдан ортиқ иш ўрни яратилиши мўлжалланяпти. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, қишлоқларда қурилишни жадаллатиш, кўп болали аёллар, ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси масалалари билан бирга мавжуд иш ўринларининг қисқариб кетиши олдини олиш ҳам муҳим вазифамиз ҳисобланади.

Пленумда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ҳафизахон Каримова, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли У.Каримов, ЎзХДП Избоскан тумани кенгаши раиси Қумрихон Хўжаева ва бошқалар ҳам партиявий фаолиятнинг талаблар даражасида бўлишини таъминлашга қаратилган таклиф ва мулоҳазалар билдиришди.

✧✧✧

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сурхондарё вилоят кенгаши пленумида ҳам ўтган даврда йўл қўйилган камчиликлар рўй-рост танқид қилинди. Муаммоларни бартараф этиш масалалари муҳокама этилди.

— Муваффақиятларга эришиш учун аввало ўз ишимизга танқидий ёндашишимиз лозим, — деди вилоят партия кенгаши раиси Ҳамро Эрматов. — Тан олиб айтиш жоизки, баъзан хотиржамликка берилдик. Натижада Бойсун, Бандихон, Термиз туман партия кенгашларининг фаолияти ҳанузгача талабга тўлиқ жавоб беради деб айта олмаймиз. Электоратимизни ўйлантираётган муаммоларни бартараф этишда фаоллик кўрсата олмаяпмиз. Айрим масалалар ўз вақтида ечим топишида сезиларли таъсир кўрсатмаётган ҳолларимиз ҳам мавжуд.

Пленумларда Ўзбекистон ХДПнинг сайловолди дастурий мақсадларини амалда бажаришга қаратилган вилоят партия ташкилотларининг ҳаракат дастурлари қабул қилинди. Уларда электоратнинг ҳаётий манфаатларига тааллуқли муаммоларни амалда ҳал этишга қаратилган аниқ вазифалар, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлар ваколатларидан фойдаланиб кўтариладиган масалалар белгиланди.

Пленумларда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосарлари Шарбат Абдуллаева, Мухтасар Абдураҳмонова, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига партиямиздан сайланган депутатлар иштирок этдилар ҳамда партия ташкилотлари, фаоллари, депутатлик гуруҳлари олдида турган муҳим масалалар, уларни амалга ошириш йўл ва воситалари ҳақида мулоҳазаларини билдирдилар.

Даврон БАҲРОНОВ, Муҳаммаджон ОБИДОВ, Аҳмадилло СОЛИЕВ, Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.

ЎзХДП ҳаёти

Хатоларни тан олиш

ҳамда улардан тўғри хулоса чиқариш зарур, дея таъкидланди Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро, Фарғона, Андижон, Сурхондарё вилоят кенгашлари пленумларида

Суратда: *ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши пленуми иштирокчилари.*

Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат.

ЎзХДП депутатларининг позицияси белгилаб олинди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Фракция мажлисида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди. Мазкур масала юзасидан депутат Баҳриддин Бекжонов ахборот берди. У қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилганини таъкидлади. Лойиҳада 9 та қонун ҳужжатига ўзгартишлар киритиш ҳамда қонун матнларидаги «ижтимоий таъминот бўлимлари» деган сўзларни «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимлари», «меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари» деган сўзлар билан алмаштириш назарда тутилмоқда.

«Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан қуйи палатанинг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Фахриддин Ражабов тушунтириш берди.

— Мамлакатимизда 2009 йил апрель ойида «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонун кучга кирган эди, — деди у. — Қонун маҳсулот, ишлар ва хизматлар техник регламентларга мувофиқлигини белгилашни талаб этади. Муҳокама этилаётган қонун лойиҳаси эса мувофиқликни баҳолаш тизимини ташкил қилишнинг қонуний асосини яратишга қаратилган.

«Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссиясини тузиш тўғрисида»ги Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қарори лойиҳаси ҳам батафсил муҳокама этилди. Депутатлар мазкур комиссия фаолиятини тубдан такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш, унинг ишига кўмаклашиш юзасидан ҳам қатор таклифларни ўртага ташлади.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан фракция ЎзХДП электорати манфаатларидан келиб чиқиб, ўз позициясини белгилаб олди.

Беҳзод ШУКУРОВ.
Муаллиф олган суратлар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Аҳоли саломатлиги — доимий эътиборда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Соғлиқни сақлашга оид қонунчилик базасини такомиллаштириш — тизимни ислоҳ қилиш самарадорлигини янада ошириш гарови» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда депутатлар, Соғлиқни сақлаш, Адлия, Иқтисодиёт, Молия вазирликларининг масъул ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Бош прокуратура вакиллари иштирок этди.

Қўмита раиси Нодир Жумаев, соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икромовнинг таъкидлашича, ҳозирги вақтда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар 13 та қонун, Президентимизнинг 42 та қарори ва фармойиши, ҳукуматнинг 116 та қарори билан тартибга солинган. Бироқ бугунги кунда фуқаролар соғлиғини сақлашга эътиборнинг янада кучайгани айрим муаммоларни бартараф этиш учун қонунчиликни такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Семинарда соҳанинг ҳозирги ҳолати, молиявий-иқтисодий жиҳатлари таҳлил этилди. Аҳоли саломатлигини таъминлашда замон талабларига мувофиқ норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишга доир долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Хусусан, одам танаси аъзо ёки тўқималарини кўчириб ўтказиш (трансплантация қилиш) билан боғлиқ операцияларни бажариш, бозор муносабатлари шароитида аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий суғурта, тиббий фаолиятни амалга ошириш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ молиявий-иқтисодий масалалар соғлиқни сақлаш тизимининг қонунчилик базасини янада такомиллаштириш орқали ҳал этилиши зарур. Шунингдек, шифокорларнинг бемор, беморнинг шифокор олдидаги масъулияти, мажбуриятлари, тиббий статистикани замон талаблари асосида йўлга қўйиш, дорихоналарда дори-дармонни рецепт асосида бериш, тиббиёт соҳасида илмий изланишлар олиб бораётган ёш тадқиқотчиларнинг манфаатларини ҳимоялаш билан боғлиқ масалалар ўртага ташланди. Шу маънода семинар иштирокчилари томонидан қатор янги қонун лойиҳаларининг концепциялари муҳокама қилинди.

Семинарда тиббиёт соҳасининг етакчи мутахассислари, тажрибали ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар ва бошқа мутахассислардан иборат Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳузуридаги экспертлар гуруҳи таркиби тасдиқланди.

Асли КАМОЛ

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

Тарғибот ишларини кучайтириш

фаоллар муҳокамасида бўлди

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши Ахборот-ресурс марказида «Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш ва самарадорлигини ошириш вазифалари» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Семинарни вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Олим Равшанов олиб борди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши II пленуми қарорлари асосида партия аъзолари ва электорат ўртасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, унда қабул қилинган ҳаракат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш бўйича масалалар ҳақида тўхталди.

Шунингдек, Яккабоғ, Деҳқонобод, Қарши, Ғузор, Нишон туман ҳамда Қарши шаҳар партия партия кенгашлари раислари тарғибот ишларини янада кучайтириш, электорат билан ишлашнинг янги усулларидан кенг фойдаланиш бугунги куннинг долзарб вазифаси эканини таъкидлаб, уни ҳаётга татбиқ этиш бўйича таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

Музаффар ТУРОПОВ

Баркамол авлод орзуси

Тошкент темир йўл муҳандислари институти қошидаги 2-лицейда айни пайтда 484 ўғил-қиз таълим олмоқда. Бу ерда тўртта кафедра мавжуд бўлиб, аниқ фанлар ва хорижий филология бўйича ёшларга билим берилаётир. 46 нафар малакали ўқитувчи-мураббийлар ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлишларига ҳаракат қилмоқда.

Суратда: *лицей ўқувчилари амалий машғулот пайтида.*

Ҳакимжон СОЛИҲОВ олган сурат.

ЎзХДП: электорат манфаати

Эҳтиёжи йўқ одамларга қилинган «мурувват»

ёки кам таъминланган оилалар учун ажратилган давлат маблағларининг ноқонуний ишлатилгани хусусида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Аммо, баъзи бир маҳалла раҳбарларининг айби билан бу маблағларнинг бир қисми муҳтож оилаларга эмас балки муҳтож бўлмаган оилаларга бериб юборилиш ҳоллари учраб турибди.

«Қассоблик» — Жиззах шаҳридаги ўттиз учта маҳалланинг биттаси. Айни пайтда маҳаллада 1109 та оила мавжуд бўлиб, уларда 6200 нафардан кўпроқ аҳоли истиқомат қилади. Табиийки, бу оилалар орасида даромадлари ўзларига етиб ортадиганлари ҳам, ўртача даражада турмуш кечираётганлари ва кам таъминланганлари ҳам бор. Жиззах тумани «Қулама» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Муноввар Қорақулова бир юмалаб «Қассоблик» маҳалласи 17-уй 44-хонадонда яшайдиган кишига айланди. У бу ҳақдаги сохта маълумотномани илова қилиб, вояга етмаган фарзанди учун 16 ёшгача нафақа сўраб, маҳалла фуқаролар йиғини раиси Холмели Қорақуловга мурожаат этган. Раис ўзига қариндош бўлган бу оиланинг моддий-мулкий аҳволини текшириш далолатномасига тегишли комиссия аъзоларининг бирортаси имзо чекмаса-да, мазкур комиссиянинг нафақа тайинлаш тўғрисидаги қарори мавжуд бўлмаса-да, ҳотамтойлик қилиб 68 минг 369 сўм нафақани ноқонуний равишда тўлаб юборган.

Маҳаллада истиқомат қилувчи Назира Аҳмедованинг фарзандлари учун 16 ёшгача нафақа сўраб қилган мурожаатига нисбатан муносабат ҳам шундай бўлган. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги қарори билан тасдиқланган «Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида»ги Низомда белгиланган тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилмай бу оилага 112 минг 252 сўм нафақа тўланган.

Юқоридаги Низомда нафақа олувчи шахс фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тақдим қиладиган ҳужжатлар, оила аъзоларининг даромадлари, оиланинг моддий ва мулкий аҳволини текшириш далолатномаси асосида тегишли қарорлар қабул қилиниши аниқ-тиниқ белгилаб қўйилганига қарамасдан мазкур ҳолатда бундай талабларга амал қилинмаган.

Ариза муаллифи ва оиладаги бошқа кишиларнинг ишлаётгани, уларга ҳисобланган иш ҳақлари миқдори нафақа тайинлаш мезонидан анча ошиб кетганлиги негадир эътибордан четда қолган ва сохта маълумотлар асосида нафақа тайинлаб юборилаверган. Фуқаролар йиғини раиси, котиби, ушбу маҳаллага шаҳар ҳокимлигидан бириктирилган нафақалар тайинлаш бўйича масъул вакил зиммаларига юкланган вазифани нега талаб даражасида бажармаган?

Афсуски, ана шундай муносабат муҳтожмандларга ажратилган маблағларнинг манзилли етиб бормаслигига сабаб бўлади. Эҳтиёжманд қолиб, ёрдамга эҳтиёжи йўқлар нафақа олади, ижтимоий адолат принципи бузилади. Фуқароларда норозилик пайдо бўлади.

Қуйидаги мисолга эътиборингизни қаратамиз. 16 ёшгача болали оилаларга 19 ҳолатда жами 841 минг 869 сўм миқдорида нафақа ғайриқонуний тайинланган ва тўлаб юборилган. Шунингдек, 14 ҳолатда жами 2 миллион 136 минг 69 сўмлик маҳаллада ишламайдиган оналарга болани икки ёшга тўлгунча парвариш қилиш учун тайинланган ва тўланган нафақаларнинг ҳужжатлари танлов асосида кўриб чиқилганда уларда ҳам турли кўриниш ва даражадаги хато-камчиликлар, ҳатто сохтакорликлар бўлгани ҳолда нафақа амалдаги қонунлар ҳамда қонуности ҳужжатларга зид ҳолда тўланган.

Йил давомида маҳалла фуқаролар йиғини раиси ҳамда комиссия аъзоларининг эътиборсизлиги, масъулиятсизлиги оқибатида кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш ва уларга моддий ёрдам тайинлаш, 2 ёшгача ва 16 ёшгача бўлган болаларга нафақа тўлаш тўғрисидаги қарорлар, Низомларга хилоф равишда жами 3 миллион сўмга яқин бюджет маблағларининг ғайриқонуний сарфланишига йўл қўйилган. Агар ҳар бир маҳаллада ижтимоий ҳимояга муҳтожлар учун ажратилган маблағлар ана шундай йўл билан мақсадсиз сарфланаверса, мамлакатимиз бўйлаб ноўрин сарфланган ижтимоий маблағлар миқдори қанча бўлишини тасаввур қилаверинг. Қилмиш-қидирмиш, дейдилар. «Қассоблик» маҳалласи фуқаролар йиғинининг собиқ раиси Х.Қорақулов қилмишига яраша жазога тортилди.

Шу ўринда Юртбошимизнинг ***«...давлатимиз аҳолининг ночор қатламини ҳимоя қилиш учун ажратаётган миллиардлаб сўм маблағлар осмондан тушган эмас. Бу маблағлар бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг заиф қатлами қийналиб қолмаслиги, ўксимаслиги, яшаш учун зарур маблағни топишга қурби етмаганлар оғир аҳволга тушиб қолмаслигига хизмат қилиши керак»,*** деган қатъий талабларини эслатиб ўтишни истардик. Бу талабни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Элимизда камбағалнинг улуши, етим-есирнинг ҳақи, кам таъминланганнинг насибаси, деган гаплар бор. Аммо бу инсоний тамойилларни назар-писанд қилмай, ёрдамга муҳтож одамларга йўналтирилган маблағларга кўз олайтирадиган, бунинг учун сохта маълумотлар тақдим этишдан ҳам уялмайдиган кимсаларни ким, деб аташ мумкин?

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Европа осмони беш кундирки, табиий офат қамалида. Ҳаво транспорти ҳаракати хавфсизлиги назорати бўйича «Eurocontrol» Европа ташкилоти маълумотларига кўра, ўтган жума-шанба-якшанба кунлари Ирландия, Буюк Британия, Шотландия, Бельгия, Голландия, Германия, Дания, Италия, Швеция, Норвегия, Финляндия, Эстония, Польша, Руминия сингари Европа мамлакатларида фуқаро авиациясининг барча парвозлари бекор қилинди.

Европа осмони табиий офат қамалида

Шарҳ

деярли барча аэропортларда самолётлар парвози бекор қилинмоқда



Ҳатто ўтган жумада Европа ҳаво кенгликларида парвоз қилиши лозим бўлган 28 мингта рейснинг атиги 11 мингтаси учишига рухсат берилди. Трансатлантика парвозларининг деярли ярми бекор қилинди. Авиапарвозларнинг бундай кенг миқёсли бекор қилиниши иккинчи жаҳон урушидан кейин илк бор қайд этилмоқда. Натижада 10 миллионга яқин йўловчи парвоз этиш имкониятидан маҳрум бўлиб турибди. Европанинг ички рейсларидан ташқари дунёнинг кўпгина мамлакатларидан Европага парвозлар ҳам қолдирилган. Биргина Россиянинг ўзида 32 минг йўловчи аэропортларда парвоз вақтини кутиб ўтирибди. «Эхо Москвы» раидиостанцияси хабар беришича, Москва, Ростов-Дон, Екатеринбург, Самара, Новосибирскдан Европага учувчи 170 дан ортиқ рейс қолдирилди. Ҳатто Пекиндан Москвага парвозлар ҳам бекор қилинган. Юзлаб россиялик сайёҳлар неча кундирки, Пекиннинг «Шоуду» аэропортидан Москвага учишолмаяпти.

Бундан ташқари, расмий делегацияларнинг Европага ташрифи ҳам бекор қилинмоқда. Жумладан, «France Presse» АА хабарига қараганда, Канада ташқи ишлар вазири Лоренс Кэнноннинг 18-21 апрель кунларига мўлжалланган Москва, Загреб ва Хельсинкига, шунингдек, 22-23 апрелга мўлжалланган Таллинда бўлиб ўтадиган НАТОга аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари учрашувига парвози ҳам бекор қилинди. Германия аэропортлари ёпилгани боис АҚШ ташрифидан қайтаётган Германия канцлери Ангела Меркел ўз ватанига қўнолмади. У Лиссабон аэропортига қўниб, тунни ўша ерда ўтказишга мажбур бўлди. Жанубий Корея бош вазири Чон Ун Чханнинг шанба куни Польшага ташрифи ҳам бекор қилинди. У Польшанинг марҳум президенти Лех Качинскийнинг видолашув маросимида қатнашишга таклиф этилган эди.

Дарвоқе, ўтган якшанбада видолашув маросимига таклиф этилган 92 нафар халқаро расмий делегатнинг 31 нафаригина Польшага ташриф буюра олди, холос. АҚШ президенти Барак Обама ҳам, Европа корчалонлари ҳам бу тадбирга кела олмади. Уларнинг ўрнига мамлакатларнинг Польшадаги элчилари маросимда қатнашиб, ўз мамлакатлари раҳбарлари номидан ҳамдардлик билдирди.

Авиапарвозларнинг бу қадар кенг миқёсда тўхтатилиши натижасида, дейилади Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси маълумотларида, авиакомпаниялар бир кунда 200 миллион доллар миқдорида зарар кўрмоқда. Осиё-Тинч океани ҳудудлари авиацияси марказидан олинган манбаларга асосланиб «Bloomberg» ахборот агентлиги хабар тарқатишича, бу зарар умумий ҳисобда 1 миллиард долларга бориб қолиши мумкин экан. Негаки, Европадаги «ҳаво қамали» қачон табиий равишда бартараф бўлади, буни ҳеч ким айтиб беролмайди. Чунки бу қамал табиат ҳодисаси билан боғлиқ. Энди қачонки атмосфера қатлами юқорисида кучли шамол бўлсагина ёки ёмғир ёғсагина бу қамалдан қутулиш мумкин.

Гап шундаки, Европанинг турли ахборот агентликлари интернет сайтларида хабар тарқатишларича, Исландия пойтахти Рейкьявик шаҳридан 200 километр шарқда жойлашган Эйяфьятлайокудль музлигининг жанубий қисмида деярли 200 йилдан бери «уйқуда ётган» Эйяфьятлайокудль вулқони жорий йил 21 март куни илк бор «уйғонди» (У охирги марта 1821 ва 1823 йилларда отилган эди). Хавф катта бўлгани боис яқин масофадаги аҳоли хавфсиз ҳудудларга кўчирилди. Мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. 14 апрель куни иккинчи марта вулқон «портлаши» юз берди. Икки марта кучли лава отилиб чиқиши (бир кеча-кундузда деярли 4 миллион тоннага яқин вулқон моддалари отилиб чиққан) оқибатида атмосфера қатламининг юқори қисмида — ердан 9-10 километр тепаликда буғ ва вулқон кулидан иборат «булут» вужудга келиб, Европа осмонининг катта қисмини эгаллаб олди. Бу эса ҳаво транспорти қатнови учун ўта хавфлидир.

Россиянинг Вулқонология ва сейсмология институти Узоқ Шарқ бўлимининг илмий ходими Алексей Озеровнинг баён этишича, вулқон моддаларидан иборат «булут»да кўриш қийинлашади, ҳатто радиоалоқа ёмонлашади. Бироқ ернинг сунъий йўлдошларига таъсир кўрсатолмайди. Негаки, улар анча тепада.

Соатига 800 километр тезликда учувчи самолётлар учун вулқон чангининг жуда майда бўлаги ҳам қумқайроқ сингари таъсир кўрсатиши мумкин ва самолётнинг олд ойнасига шикаст етказиши ҳеч гап эмас. Энг хавфлиси вулқон чанглари самолёт двигателларини ишдан чиқариши эҳтимолга яқин. Шу хавфни ҳисобга олиб, Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлиги идораларо оператив гуруҳ тузди. Унга бир қанча вазирликлар ва идоралар мутахассислари жалб этилди.

Метеоролог ва вулқоншуносларнинг огоҳлантиришича, вулқон отилиши тўхтаган тақдирда ҳам ундан ҳосил бўлган «булут» ер шари осмонида узоқ сақланиб туриши мумкин. Ёмғир ёғсагина ерга чўкади.

Соғлиқни сақлаш тизими мутахассислари ҳам огоҳлантирмоқдаки, вулқон чанги ёки унинг ёмғирга қўшилиб ерга тушган моддалари кишилар соғлиғи учун зарарли. Айниқса, нафас йўлларига жиддий таъсир этади. Бироқ Эйяфьятлайокудль вулқони отилиши билан боғлиқ ҳолат ваҳима уйғотишга асос бўлолмайди. О.Ю. Шмидт номидаги Ер физикаси институтининг амалий геофизика ва вулқоншунослик лабораторияси бўлими мудири, физика-математика фанлари доктори Алексей Собесевичнинг айтишича, бу меъёрий геологик жараён. Ҳар қандай вулқон отилиши Ер шари иқлимига, атроф-муҳитга ўз таъсирини кўрсатади. Гап фақат унинг кучида. 1700 йили отилган Исландиянинг Локи вулқони кучлилиги жиҳатидан энг хавфлиси бўлган. Ўшанда мамлакат аҳолисининг бешдан бир қисми нобуд бўлган эди. Биз Йеллоустонск сингари супервулқонлар отилишидан эҳтиёт бўлишимиз керак. Бу Эйяфьятлайокудль вулқонидан юз марта кучли.

Камчаткада ҳам деярли ҳар куни вулқон отилади. Аммо унинг хавфи катта эмас. Негаки, улар кам сонли аҳоли ҳудудларида юз беради.

Шу ўринда савол туғилади: вулқон кули «булут»лари орасидан самолётлар учиб ўтган ҳолатлар бўлганми? Ҳа. Омск метеоқурилиш заводининг етакчи конструктори Геннадий Спутниковнинг маълум қилишича, бундан бир неча йил аввал «Боинг-747» самолёти Индонезия осмонида вулқон «булути» орасидан учиб ўтган. Натижада самолёт двигателлари ишдан чиққан, у бир амаллаб ерга қўнган. Шу воқеадан сўнг Халқаро фуқаро авиациясининг ташкилоти бундай шароитда, яъни вулқон «булути» юзага келган пайтда парвозларни бекор қилиш тўғрисида халқаро ҳуқуқий меъёр ишлаб чиқиб, амалга жорий этган.

«British Airways»нинг собиқ учувчиси Эрик Муди ҳам бир вақтлар, аниқроғи, 1982 йили вулқон «булути»дан учиб ўтган. Унинг эслашича, ўшанда «Боинг»нинг ойналари синган, тўртта двигатель бутунлай ишдан чиққан, фақат «автопилот» ёрдамида ерга қўнган эди.

Финляндиянинг «F-16» қирувчи самолёти учувчиси ҳам куни кеча вулқон «булути» орасидан учиб ўтди. Бу самолётнинг ҳам двигателлари жиддий шикастланди.

Демак, бундай ҳолатда самолётлар парвози ўта хатарлидир.

Алимқул СУЛТОНОВ
шарҳлади.

Баркамол авлод орзуси

Булунғур педагогика ва спорт коллежи нафақат туманда, балки Самарқанд вилоятидаги намунали ўқув даргоҳларидан бири ҳисобланади. Коллеж ўқувчилари таълим ва спорт соҳасида ўтказилаётган турли танлов ҳамда мусобақаларда фаол қатнашиб келишмоқда. Жумладан, эркин кураш бўйича ўтказилган мамлакат биринчилигида коллежнинг ўқувчиларидан Сурайё Кубаева, Бибиойша Аҳмедова шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилишган бўлса, туман миқёсида ўтказилган «Шунқорлар» мусобақасида ҳам коллеж жамоаси фаол қатнашиб, фахрли биринчи ўринга сазовор бўлишган.

Олижаноб касб давомчилари

Уч йил илгари ташкил этилган бу замонавий ўқув масканида ҳозирда 96 нафар ўқитувчи-мураббий бошланғич таълим, жисмоний тарбия ва болалар спорти, мактабгача ва оилавий таълим, ахборот-кутубхона, мусиқа таълими, мактаб ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар йўналишлари бўйича 1404 нафар ўқувчига таълим-тарбия бермоқда. Сайёра Шерматова, Шаҳноза Жабборова, Дилфуза Маҳрамова сингари ўқитувчилар тажрибали ва фидойи устоз сифатида жамоада ҳурмат қозонган.

Коллежда кимё, физика ва биология лабораториялари, хорижий тилларни мукаммал ўрганишига мўлжалланган иккита лингафон, интернет тармоғига уланган иккита компьютер хоналари, ахборот-ресурс маркази ўқувчиларнинг тўлақонли билим олишини таъминлаяпти.

Шунингдек, коллеж энг сўнгги русумдаги спорт жиҳозлари билан тўлиқ жиҳозланган спорт зал, стадион, волейбол, баскетбол, катта теннис майдончалари мавжуд. Спорт устаси Ботир Туропов каби тажрибали мураббийлар ўқувчиларнинг соғлом, идорали ҳамда қатъиятли бўлиб вояга етишлари учун ўқув-машғулотларини давлат таълим стандартлари асосида ташкил этиб сабоқ бериб келишмоқда. Шу билан бирга ўқувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўйича ҳам чуқурлаштирилган тарзда ўқув-машғулотлар олиб борилмоқда.

— Биз олижаноб касб эгалари педагог ва спорт мураббийларини тайёрлаяпмиз. Шу боис зиммамиздаги катта масъулиятни ҳис этиб, ўқувчиларга ҳар бир фан бўйича чуқур билим беришга интилаяпмиз, — дейди коллеж директори Юлдуз Жуманазарова.

Бундан ташқари, таълим масканида ўқувчилар бўш вақтларини мазмунли ва фойдали машғулотлар билан ўтказишлари учун 38 та фан ва спорт тўгараклари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

Иқтисодиёт ва ислоҳот

Барқарорлик кафолати

ёки «Gazalkent stone» МЧЖ корхонаси фаолияти ҳақида

Бугун мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг иқтисодиётимизга таъсири олдини олиш ва бартараф этишга йўналтирилган дастур изчил амалга оширилмоқда. Натижада халқ хўжалигининг барча тармоқлари ривожланиб, кўзланган кўрсаткичларга эришилмоқда.

Боз устига ночор аҳволга тушиб қолган корхоналар ҳам эндиликда ўзини ўнглаб, ишлаб чиқаришни бир маромда ривожлантирган ҳолда дастлабки маҳсулотларини экспортга жўнатмоқда. Тошкент вилоятида илгари «Газалкент ТИБК» ОТХЖ корхонаси деб аталувчи «Gazalkent stone» масъулияти чекланган жамияти корхонаси фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади.

Корхона сўнгги йилларда ночор аҳволга тушиб қолди ва 2008 йил бошида у банкрот деб топилди. Шу сингари аҳволи танглашган корхоналар ишининг ўнгланишида мамлакатимиз раҳбарининг Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари молиявий барқарорлигини янада ошириш тўғрисидаги, Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш тўғрисидаги фармонлари муҳим қадам бўлди. Зеро, улар иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари капиталлашуви даражасини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларига инвестицияларни, шу жумладан, тижорат банклари маблағларини кенг жалб этишга қаратилди.

Мазкур фармонларнинг бажарилиши йўлида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан ночор аҳволга тушиб қолган қатор корхоналар, шу жумладан, «Ғазалкент ТИБК» корхонаси мол-мулки балансга олиниб, унинг негизида янги корхона — «Gazalkent stone» МЧЖ ташкил этилди. Корхонанинг бошқаруви банкнинг шўъба компанияси ихтиёрига ўтди.

Айтиш жоизки, бугунга келиб, у Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманининг истиқболли ривожланаётган корхоналаридан бирига айланди.

Қисқа муддат ичида корхонада катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Ишчи ходимлар қабул қилинди, мавжуд ускуналарнинг техник ҳолати ўрганиб чиқилиб, жорий таъмирланди, 44 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

— Шубҳасиз, инвестициясиз корхонанинг қайта тикланиши ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмасди, — дейди «Gazalkent stone» МЧЖ директори Омонжон Тожибоев. —Ишлаб чиқариш ускуналарининг тўла қувватда ишлашини таъминлаш, маҳсулот сифати ва миқдорини ошириш мақсадида зарур бўлган эҳтиёт қисмлар ва материаллар сотиб олиш учун банк томонидан етарли маблағ ажратилди. Ушбу маблағ ҳисобидан Бельгиянинг «Husgvarna Belgium SA» фирмаси билан тузилган контрактга асосан ўтган йил сентябрда бутловчи қисмлар ва материаллар олиб келиниб, дастгоҳларга ўрнатилди.

Ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастури натижасида корхонада 2009 йил февралидан маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўтган йил давомида 333 161 080 сўмлик, яъни 7 952 м/2 гранит плиталари ишлаб чиқарилди ва 253 541 000 сўмлик маҳсулотлар буюртмалар асосида сотилди. Шу жумладан, 18 050,0 АҚШ долларлик маҳсулот Қозоғистонга экспорт қилинди. Йил якуни бўйича 13,0 млн. сўм фойда ҳам олинди.

Жорий йилнинг дастлабки икки ойида 100,2 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 34,0 млн. сўмлик маҳсулот сотилди.

— Гранит плиталарга бўлган талабни ўрганиб чиқиб, Қозоғистондан гранит тошларни олиб келиш бўйича 130,0 минг АҚШ доллари миқдорида шартнома имзоланди, — дейди корхона бош муҳандиси Бахтиёр Умаров. — Унга асосан хомашёнинг бир қисми олиб келинди.

Бугунги кунда «Gazalkent stone» маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича Россия ва Қозоғистон давлатларига намуналар жўнатилди. Зеро, корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 20 фоизини экспорт қилиш режалаштирилган.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Вниманию руководителей строительных организаций и предприятий!

ЗАКАЗЧИК РЕСПУБЛИКАНСКАЯ ИНЖИНИРИНГОВАЯ КОМПАНИЯ ПО СТРОИТЕЛЬСТВУ АКАДЕМИЧЕСКИХ ЛИЦЕЕВ

объявляет повторный конкурсные торги по объекту:

Строительство академического лицея на 450 уч.мест при ТАСИ в Сабир Рахимовском районе г.Ташкента (нзс).

Стартовая стоимость: — 2250,0 млн. сум без НДС,
— 2700,0 млн. сум с НДС.

Срок завершения работ — 20 августа 2010 г.

Финансирование проекта будет осуществляться за счет: гос-бюджета.

Организатор конкурсных торгов — Департамент строительства и инвестиционных программ хокимията г.Ташкента.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов — в Департамент строительства и инвестиционных программы хокимията г,Ташкента по адресу:

г.Ташкент, проспект Узбекистанский 16А, комн.3.
Телефон (371) 239-17-15, факс 239-46-00.

Оферты принимаются организатором торгов по вышеуказанному адресу.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации — восемьдесят тысяч сум.

Последний срок представления оферт — к дню и часу установленном организатором конкурсных торгов.

Вскрытие оферт состоится через 15 дней после опубликования объявления.

Ижтимоий ҳимоя

Кўнгил кўнгилдан сув ичар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Хизмат кўрсатувчи таркибгина эмас, масканга қадам ранжида қилган ҳар бир киши ҳатто суҳбат, гап-сўзларда ҳам бу ердаги инсонларнинг кўнгли билан ҳисоблашиши шарт.

— Илтимос, қарамоғимиздагиларни бу ерга қандай келиб қолгани, яқинлари бор-йўқлиги ҳақида кўп саволга тутманг, — огоҳлантиради меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли уруш ва меҳнат фахрийларининг Тошкентда жойлашган республика пансионати директори Мамаюсуф Бойқулов. — Айримларининг яқин кишилари бор. Бу ҳақда сўрасангиз хижолат тортиши, ўксиниши мумкин.

Унга бу талабни тўла бажаришга ваъда бердик. Мақсадимиз — инсонларнинг бу ерга қандай қилиб келиб қолгани эмас, давлат ғамхўрлиги остида, ҳомий ташкилотлар кўмагида уларнинг ҳаёти қандай кечаётганини кўриш эди, холос.

Директорнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Ботир Улиев пансионатнинг тўртта биносидаги шароитлар билан таништирар экан, изоҳ беради:

— Кейинги уч йил давомида «Меҳр нури» жамғармаси биноларимизни тўла таъмирлашга кўмаклашди. Ётоқхоналардаги, стационар ва дам олиш хоналари, ошхонадаги жиҳозлар ҳам шу фонднинг инъоми. Дарвоқе, ҳозир айни кечки овқат пайти, юринг, ошхонамизни ҳам кўринг.

— Ресторан, десанг-чи Ботиржон, — йўлак бўйлаб суҳбатимизга қўшилади мўйсафидлардан бири.

Кенг деразалардаги дарпардалар, қулай стол-стуллар, паст овозда таралаётган майин мусиқа овқатланиш залига ҳақиқатан ҳам ресторан тусини берган.

— Кунига уч маҳал иссиқ таом, жами беш марта овқатланамиз. Кундалик менюдан турли хил салатлар, суюқ-қуюқ овқатлар, ширинликлар ўрин олган, — суҳбатдошим Тамара Анатольевна гап орасида столдаги ликопчани турмуш ўртоғи Владимир Николаевичга яқинроқ суриб қўяди. — Ол, мен бошқа емайман, ёшлигимда сенга худди шундай қиймали «блинчик»лар пишириб берардим, эсингдами?

Владимир Николаевич ҳам ёшлигини эсладими, юзига табассум ёйилади, тановвул қилар экан, ошпаз Леночкани дуо қилади.

Қариялар ошхонадан гуруҳ-гуруҳ ёки жуфти билан қўлтиқлашиб секин-аста чиқиб кетишади. Пансионатда жуфтликлар анчагина. Масалан, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Турсунбой Хошимов ва унинг аёли Рашида ая, яна бир уруш фахрийси Василий Боярченко ва Анна Русина. Дарвоқе, Анна Петровна филолог, бирон тадбир йўкки, у бошчилик қилмаган бўлса. Турли кечалар, суҳбатлар уюштириб туради, жуда жонкуяр ташкилотчи.

Оилавий жуфтлар ҳақида гапираётгандик — айримлар пансионатга эр-хотин келишса, айрим жуфтликлар шу ерда вужудга келади.

Лейла Алиеванинг бу ерга келганига бир йил тўлди. Евгений Алексеев ундан сал кейинроқ келди. Евгений тоға икки йиллик уринишлар, кўнгил изҳоридан сўнггина Лейлахонимнинг унга турмушга чиқишга розилигини олди.

— Биласизми, Женя юрагимни нима билан забт этди, — ҳикоя қилади Лейлахоним. — Янги йил арафасида у менга ўзи тўқиган шапкани совға қилди. Кейин бундай совғалар кўп бўлди.

— Сенга бағишланган шеърларим-чи, улар эсингдан чиқдими? — унинг гапини бўлади Евгений Пантелеевич.

— Жим тур, аввал мен гапириб олай, — икки кекса бир-бирига гал бермай «муҳаббат тарихи»ни ҳикоя қилишади, гап орасида бир-бирини «ёмонлаб» ҳам қўйишади. Бу ҳам бир-бирига эркалик экани гап оҳангида шундоқ сезилиб туради.

Хуллас, тақдир ўйинлари туфайли пансионатга келиб қолган икки зиёли кексанинг тақдири шу ерда боғланди.

— Эллик беш йил меҳнат қилиб бирон марта курортда дам олмаган эканман, — дейди Евгений Пантелеевич, — бу ерга келганимдан буён икки марта курортга бордик.

— Биз бу ерда давлатнинг, ҳомийларнинг пансионат раҳбарларининг ғамхўрлигини доимо ҳис қилиб турамиз, — давом эттиради Лейлахоним. — Аммо кексаларнинг бир-бирига ғамхўрлиги ҳам жуда аҳамиятга эга.

Онахон уларга ажратилган икки хонали, барча қулайликларга эга хонадонини кўрсатади, сервантда турган янги сотиб олган чиннилари ҳақидаги фикримни сўрайди. Евгений Пантелеевич эса пастки қаватдаги устахонасига бошлайди. Эртага бўлиши кутилаётган тадбир муносабати билан чиқарилаётган деворий газетани кўрсатади.

Эртаси куни тадбирда эса кечаги суҳбатдошларимнинг барини кузатдим. Рашида Хошимова сумалак қайнаётган қозон атрофида, отахонлар пансионат ҳудудида ёшлар боғини яратаётган талаба йигитларга кўчат экиш қоидаларини обдон тушунтиряптилар, яна бир даврадаги уруш фахрийлари фронт хотираларидан ҳикоя қилишаяпти.

Хуллас, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва бир қатор ҳомийлар ташаббуси билан ўтказилган «Кўнгил кўнгилдан сув ичар» тадбири ўз номига яраша ўтди. Кун бўйи давом этган акцияда уч юзга яқин ёшлар — олий ўқув юртлари ва коллеж талабалари қатнашди.

Тошкент маданият коллежи талабалари таниқли санъаткорлар билан бирга концерт уюштирди.

Ушбу тадбир сценарийси муаллифи ҳам ана шу ёшлардан бири — Маданият коллежи талабаси Малика Рўзиева.

— Ниятимиз кексаларнинг кўнглини кўтариш, уларнинг ёлғиз эмаслигини эслатиш, айни пайтда қарияларни ҳурмат қилиш, эъзозлаш каби қадриятларимизни ёшлар онгига сингдиришдан иборат эди, — дейди Малика.

У лойиҳани тайёрлаш жараёнида 75 яшар бувижониси билан кўп маслаҳатлашганини айтади.

— Оиламизда бувижонимнинг ўрни катта, доимо эъзоздалар, — таъкидлайди яна.

Бир кунлик акция тугади. Аммо у пансионат аҳлининг ҳам, бу ерга келган ёшларнинг ҳам юрагида узоқ сақланади, акс-садо бериб туради. Бир сўз билан айтганда, кўнгил кўнгилдан сув ичди.

...Кечки пайт кун бўйи хурсандчилик, суҳбатлардан бироз чарчаган кексалар ҳолидан навбатчи ҳамшира Гулчеҳра Раҳмонбердиева бирма-бир хабар олади. Сирасини айтганда, бу унинг кундалик вазифаси. У навбатдаги хонадаги отахонни текширувдан ўтказади.

— Ҳаммаси жойида, — дейди ҳамшира бироз хавотирланаётган отахонга. — Бу қон босими билан космосга ҳам учишингиз мумкин.

—Унда маълумотнома ёзиб бер, у ёқларни ҳам кўриб келай, — отахон ҳам бўш келмайди.

Пансионат стационарининг хоналаридан бирида хизматчи Дилбар Шомуродова бемор Тоня холанинг сочларини тараб, уйқуга ҳозирлайди, унга хайрли тун тилар экан, меҳр уфуриб турган юзини кампирнинг юзига босади. Худди, ўз онасидек...

Пансионат директори Мамаюсуф Бойқулов қизиқ бир фактни айтди: маскан 220 ўринга мўлжалланган, ҳозир бу ерда 135 кекса давлат қарамоғида.

— Тезкор замонда яшаяпмиз, — дейди директор. — Уйида ётиғлик кекса киши бўлган оилалар баъзан турли вазиятларга тушиб қолиши мумкин. Айтайлик, хизмат сафари туфайли хонадонда ҳеч ким қолмайди. Шунинг учун бўш ўринлардан фойдаланиш мақсадида аҳолига пуллик хизмат таклиф қилдик. Маълум муддатга кексалар қаровини бизга ишонишлари мумкин. Буни уларни кимгадир «топшириб» қўйиш эмас, аксинча, эътибор деб тушунишларини истар эдим. Чунки бу ерда бемор доимо шифокор назоратида бўлади, режим билан овқатланиб, режим билан ухлайди, дам олади.

Замонавий стационар, физиотерапия, соғломлаштириш, массаж хоналари, малакали шифокорлар, ҳамшира ва энагалар хизматига қарамай, бу қулайликдан фойдаланувчилар бармоқ билан санарли экан.

Буни тушуниш қийин эмас. Халқимизнинг азалий одати — бизда кўпчилик фарзандлар бемор ота-онасининг яшаш тарзини ўз ишига эмас, балки ишини ота-онасининг ҳаётига мослайди, азиз инсонларининг оила бағрида бўлишини, уларнинг парвариши билан шахсан ўзи шуғулланишни маъқул кўради.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат

Йилнинг муҳим мусобақалари

Сингапур олимпиадаси

Халқаро Олимпия қўмитаси (ХОҚ) тасарруфида шу йил 14-26 август кунлари Сингапурда 14 ёшдан 18 гача бўлган ўсмир-ўспиринлар ўртасида ёзги олимпиада бўлиб ўтади. Бу ҳақда ХОҚ Конгрессида унинг президенти Жак Рогге 2008 йил 21 февралда тантанали равишда эълон қилган эди.

Очилиш маросими | Саралаш мусобақалари | Финал мусобақалари | Ёпилиш маросими

Август	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	Медаллар
Маросимлар														
Академик эшкак эшиш						4								4
Бадминтон													2	2
Баскетбол (зал)								2						2
Баскетбол (кўча)									2					2
Бокс											4	4		8
Спорт курашлари					7	7					2	2		18
Велоспорт								2	2					4
Волейбол (зал)												1	1	2
Волейбол (пляж)							2							2
Гандбол													2	2
Байдарка ва каноэда эшкак эшиш								1	1					2
Дзюдо				4	4									8
От спорти							1		2					3
Енгил атлетика							2	4	4	4	4	4		22
Стол тенниси						2								2
Елканли спорт											4			4
Сузиш		2	4	4	4	4								18
Сувга сакраш								2	2					4
Батутда сакраш								2						2
Спорт гимнастикаси					2		5	5						12
Замонавий бешкураш									2		1			3
Ўқ отиш												2	2	3
Камондан ўқ узиш					1	1		1						3
Теннис								2				2		4
Триатлон		2												2
Таэквондо								5	5	5	5			20
Оғир атлетика								2	3	3	3			11
Қиличбозлик			2		2		2							6
Футбол												1	1	2
Чим устида хоккей												2		2
Бадиий гимнастика										1	1			2
Жами		**4**	**6**	**8**	**20**	**20**	**12**	**25**	**22**	**13**	**24**	**22**	**8**	**184**

Халқаро Олимпия қўмитаси ўсмир-ўспиринлар орасидан янги-янги иқтидорларни кашф этиш, спорт ёрдамида уларнинг ҳаётда ўз йўлларини топиб олишига кўмаклашиш, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада кенгроқ оммалаштириш мақсадида шу ёшдагилар ўртасида олимпиада ўйинларини ўтказишга қарор қилди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлашимиз лозим, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда шундай «Кичик олимпиада», яъни «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 19 январдаги қарорига асосан ўтказиб келинмоқда. Унда қатнашган миллионлаб ўқувчилар орасидан қанча иқтидорли ўсмирлар кашф қилинди ва улар катта спортга йўлланма олди. Муҳими, «Умид ниҳоллари»да қатнашган ўқувчи-ёшлар жисмоний тарбия ва спорт саломатлик гарови, комил инсон бўлиб вояга етишнинг асосий тамойилларидан бири эканлигини теран англаб етишди.

Сузиш бўйича Сингапур олимпиадаси йўлланмасини биринчилардан бўлиб қўлга киритган Юлдуз Қўчқорова мамлакатимизда жорий этилган уч босқичли спорт ўйинларининг кашфиётларидан бири ҳисобланади. Тўғри, дунёда, айниқса, Осиёда сузиш спорти жуда оммалашган ва кейинги йилларда юксак натижалар қайд этилмоқда. Лекин биз Юлдузнинг ва бошқа йўлланма олган ёшларимизнинг Сингапур олимпиадасида муваффақиятли қатнашишига ишонамиз.

Ўсмирлар ўртасидаги навбатдаги ёзги олимпиада 2014 йилда Нанкин (Хитой)да бўлади. Ўсмирлар ўртасидаги I қишки олимпиада 2012 йилда Инсбургда ташкил этилади.

Йўлланмалар учун кураш давом этади

Сингапур олимпиадасида 170 дан ортиқ мамлакатдан 3200дан зиёд ёш спортчи қатнашиши кутилмоқда. Улар 31 спорт турида 184 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб боришади.

Ўсмирлар олимпиадаси биринчи марта ўтказилаётгани учун қатнашчилар сони чекланган ва йўлланмалар нуфузли мусобақалардаги юқори натижага кўра берилиши назарда тутилган. Масалан, спорт ўйинлари (футбол, волейбол ва ҳоказо) турларида фақат қитъа чемпионларигина Сингапурга йўл олишади. Ёки пойтахтимизда оғир атлетика бўйича Осиё биринчилиги бўлиб ўтди. Унинг якунига кўра мамлакатимизга ажратилган 2 та йўлланма берилди. Ҳолбуки, мамлакатимиз ёш полвонлари қўлга киритган медаллар сони бундан кўпроқ эди.

Умуман олганда, мамлакатимиз ёш спортчилари кейинги ойларда 13 та спорт турида уюштирилган саралаш мусобақаларида иштирок этишиб, 11 та йўлланмага эга бўлишди.

Гулнора Матниёзова (дзюдо, 63 кг).
Мансур Мамажонов (дзюдо, 55 кг).
Азиза Мамажонова (бадиий гимнастика).
Абубакр Расулов (таэквондо, 48 кг).
Дилноза Абдусалимова (спорт гимнастикаси).
Элмурод Холиқов (стол тенниси).
Юлдуз Қўчқорова (сузиш).

Сузиш бўйича яна битта йўлланма ва оғир атлетика бўйича икки йўлланма эгасини мураббийлар эълон қилишади.

Яна ёш спортчиларимиз Сингапур олимпиадаси йўлланмасини бокс, эркин кураш, юнон-рум кураши, енгил атлетика ва теннис турларида қўлга киритишлари мумкин. Шундай йўлланма берувчи бокс мусобақаси 20 апрель — 2 май кунлари Бокуда, эркин кураш ва юнон-рум кураши мусобақаси 30 апрель — 2 май кунлари Тошкентда, енгил атлетика мусобақаси эса 15-25 май кунлари Сингапурда бўлиб ўтади. Теннис бўйича эса олимпиада арафасида юқори кўрсаткичга эга бўлган ўсмир ва қизлар таклиф этилади.

Асрор МЎМИН тайёрлади.

Жиноятга жазо муқаррар



Ор-номус баҳоси

Хазорасплик Н.Одамбоева, Б.Қаландаров ҳамда урганчлик Ш.Одамбоевалар ҳалол меҳнат қилмай мўмай пул топиш тўғрисида ўзаро тил бириктиришди. Улар гўё туркиядаги бой хонадонларга энагалик қиладиган хотин-қизларни ахтараётгандек бўлиб, аслида одам савдосига қўл уришди. Бўлғуси энагаларга осон иш ва катта маош ваъда қилинди. Дастлабки «ўлжа» хазорасплик 24 яшар Х. ва 35 ёшли Л. бўлди. «Энагалик» деган алдов ортида фоҳишалик билан шуғулланиш ётганлигини бечора аёллар манзилга етиб боргач билишди. Аммо бу пайтда «ғишт қолипидан кўчган» эди...

Янгиариқ туманида яшовчи 23 ёшли З. урганчлик Насиба Матниёзованинг қуюқ ваъдаси ортида нима ётганини англамай, дарров мўмай маошли ишга рози бўлди. Насиба содда қизга Россияга бориб, ресторанларда бирида официантлик қилиши ва ҳар ойда нақд икки минг АҚШ доллари олишини айтади.

Бу гаплар ёлғонлиги, ўзга юртда бошига не савдолар тушиши унинг хаёлига ҳам келмаганди.

Афсуски, бундай аянчли ҳолатлар кам бўлсада, учраб турибди. Ўтган йили вилоятда хотин-қизларни фоҳишалик мақсадида чет элга юбориш билан шуғулланган ўн бир нафар шахс устидан жиноий иш қўзғатилди. Ор-номусини унутган бундай кимсалар алдовига учганлар ўн нафар. Бировларни алдаб-авраб, танасини сотишга мажбурлаб, шунинг орқасидан жарақ-жарақ пул топишни ўйлаган беномус кимсаларнинг бу қилмишларини қандай баҳолаш керак?

Хонқа тумани маркази, Ал-Хоразмий кўчаси 77-уйда яшовчи Н.Бекчонованинг қилиғи ҳаммасидан ошиб тушади. У вояга етмаган С.ни Қозоғистоннинг Атрау шаҳрига алдов йўли билан олиб боради. Алданиб, хор-зор бўлган қиз тери-таносил касаллигини ҳам юқтиради...

Инсоннинг қадри, Ор-номуснинг баҳоси улуғ. Буни енгилнинг ости, оғирнинг устини кўзлаган айримлар унутмаслиги керак.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 349
13887 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 20.15
Topshirilgan vaqti — 22.15
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda